

Мундан икки ой бурун «Туркистонда англиз мудофаасини сактамок учун Чин кўшуни келмокчи эмиш» деган бир хабар чикганда «Хуррият» газетаси икки макола ила фикрини билдирган[1] ва Туркистон сиёсийларини уйгокликка чакирган эди. Бу кун иш бир оз очилди: Туркистонга англиз вакилларими, англиз жосусларими кела бошладилар.

Бу вакиллардан Когонда Сапар Бадлўф[2]нинг уйига кўнган бир хиндли Парнаснинг рус расмий доираларинда бердиги маълумотга караганда бир одам хинд инкилобчиларидан эмиш. Хиндустонда инкилоб чикармок учун большевиклар билан музокара килгали келган эмиш. Шаркнинг эски ҳукуматлариндан бириси айдиги учун рухсат берилса, бечора ҳукуматини кўрмокчи эмиш.

Бунларнинг юкори доираларга ҳам сўзлари шу эса биз бунларга «яшурун бир мақсад учун келган жосуслар» деб қарарга мажбур колурмиз. Юкори доираларга тилакларини очибгина айткан бўлсалар, у вақт бунларнинг большевиклар билан музокара килгали келган вакиллари айдуқларига шубҳа колмас. Хар холда маъсаланинг шу нуктаси маълумдирким бунлар жосус бўлсалар ҳам вакил бўлсалар ҳам тилаклари бирдир. Бунларнинг иккинчиси бир Хиндустонни олмокчи бўлганлар. Бунларнинг кўзлари бизнинг юртимиздадир.

Англизлар билан Туркистон орасинда Афгон ва Чин ҳукуматлари бордир. Ажабо Британия тулқилари Туркистонимизга бурунларини сукмоқучун Чин ҳукумати биланми онглашадилар. Афгон ҳукумати биланми?

Оғиз хабарларига караганда, хар иккиси билан ҳам онглашган, хатто Афгон ҳукумати билан иттифоқи кучлироқга ўхшайдирлар. Лекин биз шул Афгон ва Англиз иттифоқини қабул килмаймиз.

Маълумдурким: бу кун Герман ва Турк давлатларининг биринчи душманлари англиздир. Герман ва турк давлатлари олдида Туркистоннинг англизларга кечмақиндан русларга колмоғи яхшироқдир. Бир вақтлар ўзини турк давлатининг бир қашиши[3] атаган Афгон ҳукумати турк сиёсатига шунча молик бўлган бир маъсалани қабул киларми?

Англиз билан иттифок этмақ – герман ва туркга қарши чикмоқдир. Афгон ҳукумати бу йўлга қирарми? Англиз хийласининг таъсири буюқдир, эҳтимол ким, Афгон ҳукумати ҳам олдангандур, лекин бизнинг умидимиз бошқадир.

Афгон ҳукуматининг урушга қотишмоғи мумкиндир, унинг қучи бордир, эҳтимолким, вақти дахи бўладир, лекин биз умид киламизким, Афгон ҳукуматининг бу ҳаракати англиз фойдаси учун эмас, герман ва турк пилонларига мувофиқ бўлмок шарти билан ўз фойдаси учун бу ҳаракат Хиндустонга қарши бўлгулидир.

Аммо Англиз ва Чин иттифоқи мумкиндир. Чин ҳукумати Жапун тазйикотиндан қутулмок ва ўлкасининг рус нуфузи остида қолган қисминда ўз ҳуқуқини тасдиқ этурмақ учун Англиз давлатининг турли хизматларига ҳозирдир.

Эмди масъаланинг бошка бир жихати колди. Туркистонни дахи Хиндустон каби ютмокчи бўлган англизлар бу уруш майдонидан кандай чикарлар? Маглубми? Маглуб чикарлар эса, Туркистонни кайси куч билан сакларлар?

Ўз хийлаларига ишонган чидамли англизлар ўзларини шул мухорибадан оз зарар билан сокгина куткармок учун албатта бир пилон чизган ва шул пилонларига ишонгандирлар. Мана шул нуктага биноан, сулхдан бурун Туркистонни олиб душманларини «амру афу»[4] каршисинда кўймок ва сулх мажлисинда кирганда Туркистонни кайтариб берарга мажбур бўлсалар ҳам унинг ўрнинда бошка ёқдан бирор нарса сакламок фикринда бўлсалар керак.

Аммо бизнинг фикримизга кўра, англиз ҳукуматининг бу урушдан оз зарар билан сокгина кутулмоги мумкин эмасдир. Германиянинг огир ва ёмонрок зарбаси англизларнинг бошларига инар[5]. Англиз ҳукумати бутун ишдан чикмайин бу урушдан чиколмас. Шул суратда Туркистоннинг толеъи[6] нимадир?

Уни туркистонлиларнинг ўзлари тайин киларлар, аммо иттифок ва иттиход айтиб бутун фикрларини бир нуктада тўплагандан кейин!..

(«Хуррият», 1918 йил, 29 март, 82-сон)

[1] «Хуррият» газетасининг 64-сонига «Англиз ўйунлари» ва «Таксими аъмол» (67-сон) маколалари назарда тутилади.

[2] Сафар Бадлов — Когонда (янги Бухоро) яшаётган рус мухожирларидан бири. Амир Олимхоннинг маслахатчиси ва ноиби Миллернинг буйругига кўра Когонда кўплаб рус ва яхудий бойлари тўплаган эди.

[3] кашиш — тортилган, жалб этилган.

[4] амру аву — афв этиш хакидаги буйрук. Бу ерда: амнистия.

[5] инар — келар, тушар.

[6] «Туркистоннинг толеъи» хакида Фитрат айна 10-йиллар охиридаги сиёсий воқеаларни чуқур таҳлил этган «Шарк сиёсати» (Тошкент, 1919) рисоласида батафсил маълумот берган.